

Республика ҳукуматининг 2007 йил 18 июлда бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг I ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари кўриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2007 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи ярим йилликда қўрилган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, иқтисодий тармоқлари ва республика ҳудудларининг изчил ривожланишини таъминлаганлиги қайд этилди.

Масалан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,7 фоизни ташкил этди, шу жумладан саноат ишлаб чиқариши ҳамми 11,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши — 19 фоизга, пудрат қурилиш ишлари — 20,5 фоизга, чакана товар айланмаси — 16,8 фоизга, пулли хизматлар — 25,1 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши — 5,5 фоизга ўсди. Маҳсулот экспорт 39 фоизга ошди. Унинг асосий қисmini — 70 фоизини хом ашё бўлмаган экспорт ташкил этади. Ташқи савдонинг 1,7 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi сезиларли ижобий салбоси таъминланди. Давлат бюджетга ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз миқдорда прощит билан икхро этилди, инфляция дара-

жаси 2,7 фоизни ташкил этиб, прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестицияларни ўзлаштиришнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланди ва ўтган йилнинг тегишли даврига таққослаганда 140,2 фоизни ташкил этди. Жалб этилган хорижий инвестициялар 1,9 баравар ўсди, улар умумий миқдорининг қарийб 85 фоизи тўғридан-тўғри инвестициялардир. 154 анги йирик ва кичик саноат ишлаб чиқариши, шу жумладан 30 та энгил ва тўқимачилик саноати объекти, 102 километр электр узатиш линияси ишга туширилди, шу йилнинг сентябрь ойигача ҳаракатни бошлаш учун Тошгузар-Бойсун-Кумкўрган темир йўли қурилиши тугалланмоқда.


Иқтисодий кенг қўлам-

ли модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш давом эттирилди. Капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярми, шу жумладан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маблағларнинг 65 фоизи қўрсатиб ўтилган мақсадларга йўналтирилди. Пахтани қайта ишлаш, ёмғир саноати, қурилиш материаллари саноати ва қора металлургия корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари қабул қилинди.

Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесга солиқ юкмини камайтириш ва унинг фаолият қўрсатиши шарт-шароитларини эркинлаштириш юзасидан илгари қабул қилинган қарорларга қатъий риоя қилиш натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ўлуши 38,1 фоизгача ўсди.

Қишлоқ ҳўжалигида ширкатларни фермер ҳўжаликларига айлантириш жараёни амалда тугалланди.
(Давоми 2-саҳифада)

Билим ва тафаккур СИНОВИ



Бугун Республика олий таълим муассасаларига 2007-2008 ўқув йили учун ҳужжатлар қабул қилишнинг сўнгги кўни. Жорий ўқув йилида бакалавр таълим босқичига жами 51604 талаба қабул қилинади. Ўтган йили абитуриентлардан келиб тушган аризалар сони 314 мингтани ташкил этган бўлса, бу йил бу қўрсаткич 340 мингдан ошishi кутилмоқда.



Гулзода - МАҲАЛЛА ФАХРИ

Гулзода Тўраева Хатирчининг олис Ширин қишлоғидagi ўрта мактабда ўқийди. Оиладаги муҳит ҳар бир гўдакнинг маънавий жиҳатдан тобланиб, вояга етишувига асос бўларкан. Гулзода 54-ўрта мактабда аъло баҳоларга ўқий бошлаган кезлари дўгоналари қатори шахмат тўғрисида ҳам қатъий бошлади.

Ундаги ноб қобилиятни тезда пайкаган Ширин Икром Хайдаров мактабдан бўш пайтлари бариқча тадбирлари қатори Гулзодага ҳам шахмат сирларини қўли билан ўргатди. Г.Тўраева ўтган йили ҳам, бу йил ҳам ўз тенгдошлари ичида шахмат бўйича республика гўлиблигини эгаллади. Гулзоданинг бу ютуғи барча қишлоқдошларини беҳад қувонтирди, албатта. Қолаверса, Оқ олтин маҳалласида ўрнак бўлғулик хайрли тадбирлар доимий равишда амалга оширилмоқда. Бу манзилда фермерлар кўчаларни, гузарларни обод қилишга тўғри келди. Улар Гулзода билан шундай дея фахрланишмоқда: "Ҳазил эмас, Гулзода қизимиз "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолларидан ҳисобланади, бутун юртга овозаси кетди-ей".

Азиз - ЮРТ ПОСБОНИ

Азиз Очиллов Карманадаги гўзал қишлоқлардан бирида унинг ўси. У мактабда ўқиб юрган кезлари спорт деса ўзини "томдан ташларди".

Чангиб топ тегиб, Зарафшондек азим дарё сувига чўмилиб ўлғайган Азизхон армиямиз сафига интилди. Унинг спорт билан чинқилганлиги ҳарбий хизматда асқотди. Хар бир жанговар топшириқни аъло даражада қўйиллатиб бажаргани туфайли командирларидан раҳматномаларни кўп бора олди. Бу раҳматномалар шу йилнинг ўлғайтирилган ота-онаси, маҳалласи учун муқофот эмасми? Юртни қўриқлашни ўзининг инсонийлик бурчи, деб билган юрт посбони, "Шўхрат" медалли соҳиби А.Очиллов бугун ички ишлар сафига хизмат қилаётган.

Яқинда Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида ҳарбий хизматни тугатлаб, йилгиллик бурчларини адо этган 29 нафар аскарга ҳарбий хизмат давомида ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарликларда юқори натижаларга эришганликлари учун олий ўқув юртига кириш учун тавсияномалар берилди. Юрғида Ватан ишқи гўлпурган бу ёшлар оқод ва обод юртимизни энди илм нури билан янада гуллаштига аҳд қилишган.

Сабоҳат опа ЦЕХ ОЧАДИ

Ватан! Бу сўз замирида туғилган гўшанг, сен ишайтган манзил, атрофингдаги инсонлар акс этади, дейди Навбаҳор туманидаги "Истикбол" фермер ҳўжалиги бошлиғи С.Раҳимов. Сабоҳат опа кўп йиллардан бери деҳқончиликнинг сир-асрорларини ўрганди. Пахтакор отасини пир атагани боис ҳаётда сира кам бўлгани йўқ. Фермерлик ҳаракатининг барча қўйинчиликларини ҳам қишлоқдошлари билан енгди: бугун фермер ҳўжалиғи ерларида ўзининг тракторлари ер қайдайдиган, комбайнлари галласини ўради! Қишлоқнинг бутундан эртасини янада нурафшон қўришни орзу қилган Сабоҳат Раҳимов яқинда фермер ҳўжалиғи ҳисобидан тикувчилик цехи очадиган бўлибди. Ушқунлар учун маблағни "Пахта Банк"нинг вилот бўлими бераётган экан. Оз эмас, кўп эмас — ўн беш чоғли коллежни битирган қизлар ишга жойлашади! Бундан йиғирма йиллар аввал Сабоҳат опани бир замонлар келиб ўз гектардан зиёд ерга ҳўжайинлик қилади-ю, коллежларда ўқиган йиғит-қизлар билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйди десалар ким ишонар эди! Буларнинг бари мустақиллигимиз шарофатидан, албатта.

Бахриддин САДРИДДИНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Навоий вилояти



Асад суви — асал суви

Шу кунларда об-ҳаво-да муайян ўзгаришлар бўлаётганини сезаясизми? Демак, саратон ўз ўрнини асадга бермоқда. Яна бир неча кундан сўнг деҳқончилик тақвими бўйича бошинчи ой — асад бошланади.

Кексаларнинг айтишича, асад кириши билан чашмаларда сув камайиб, дарёларда аксинча кўпар экан. Қушлар бирин-кетин иссиқ мамлакатларга учиб кетиш тараддудига тушади. Асад — норасад, дейишади. Сабаби, асосий экинларнинг уруғ қадаш вақти ўтади, энди қадалган уруғ — расад бўлмайди, ривож яхши, ҳосили етук бўлмайди, дегани. Аммо бундан тарик, шунингдек, шолғом, лавлағи, кечки экинлар мўстасно, албатта.

Асад — ҳосил фарқ пийшган палла. Полиэ экинлари, мева-сабзавот ўзининг энг ширага тўла даврини инъом этади, бу ойда. Шунинг учун айтишади-да, "Асаднинг бир кўни қишнинг ўн кўнини босади", деб. Етиштирилган ҳосилни қишга ҳозирлаш, консервация, қўқилашга киришишнинг айна фурсати ҳамдир.

Бу ибора чорвадорларга ҳам хос. Яъни, қишга озуқа жамғариш ишлари шу ойда авжига чиқади. Шунингдек, ём-хашак экинларининг уруғини қадашнинг сўнгги паллалари шу ойда амалга оширилади.

Деҳқончиликда экинлар, жўмладан, гўза шу ойда ўсиб, ривожланиш палласига кириди. Шу сабаб унга кўп ишлов ва сув талаб бўлади. Бу ойдаги сув — гўза учун "асал суви"га айланади. Асад суви — асал суви ибораси доимий ҳалқимизнинг минг йиллик кузатишу, тақрибларидан келиб чиқиб айтилган. Бу ойда сувга қонган гўзанинг қўсағига вази, толага сифат, салмоқ қўйилади.

Асад охиридаги билан гўзалар очилишга киришади. Шу сабабли асадда гўза қатор ораларига сўнгги ишловлар берилади. Асад ойи яхши келса, ҳарорат саратондаги нисбатан атиги 2-4 даража сат бўлар экан. Бободоҳнолар кўп йиллик кузатишлари асосида айтишадиган, асад қишидан 4-6 кун олдин, албатта, кучли шамол ва дурустгина ёмғир бўлади.

Анвар ҚУЛМУРДОВ

Ватаннинг бир бўлаги Оқжарнинг йўли оёдин

Сурхон сув омбори бунёд этилди, қўм тепаликлар ўрнида ажойиб масканлар вужудга келди. Унинг азалий атамаси Кумкўрган. Ҳозир ҳам шу ном билан тилга олинади. Ана шу обод ва кўркем маконда Оқжар қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият қўрсатади.

Туманда энг йирик — 12 та маҳаллага бирлашган йиғирма уч қишлоқда умргузаронлик қилаётган қарийб қирқ икки нафар аҳолининг бошини бирлаштириш, эзгу ишларга сафарбар этиш, қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш йўлида ҚФЙ раиси Эргаш Мўминов доимо олиб-юғради, хар бир масалани ҳал қилишга вақт топади. Аҳолининг 16374 нафари иш билан банд. Албатта, вақтинча ишламайдиганлар ҳам йўқ эмас. Қишлоқ йиғинида уларнинг сони аниқ — 569 нафар. Улар асосан хотин-қизлар эканлиги ҳисобга олиниб, қасанчалик йўлга қўйилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида 108 нафар хотин-қиз тикувчилик ва ҳўнамдчиликнинг бошқа турларига жалб этилди. Улар рўзгор юмушлари билан ажралмаган ҳолда ўз уйларида кенг ҳалқ истеъмол

моллари ишлаб чиқараётганлар.

17 та мактаб, 5 та қишлоқ врачлик пункти, тўртта бола-лар боғчасида зарур шарт-шароитлар яратилган. 8 та маҳалла гузарларида, кичик корхона ҳамда фирмалардаги, янгидан очилган ишчи ўрин-ларида анчагина фуқаролар энг шимариб меҳнат қилмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғинида иш билан таъминлаш доимий эътиборда.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi маҳаллаларда ўттизга яқин хизмат қўрсатиш нукталари одамлар билан гав-жум. Оқой маҳалласида саккиз хонадан иборат янги идора бизнеси қурилди. Бунда ҳомийлар ва маҳалла аҳли бош-қош бўлишди.

Дўстлик маҳалласи фуқаролар йиғинида уюштирилаётган оммавий тадбирлар кўп жиҳатдан ибратли. Спорт бел-

лашувлари, кўрик-танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар шулар жумласидандир. Энг асосийси, фуқаролар ана шу тадбирларнинг фаол иштирокчилари. Маҳаллада ободончилик ва кўкчамзорлаштириш, атроф-муҳитни тоза-озода сақлашга ҳам етарли эътибор берилади. Шу боис бу маскан 2006 йил якуни бўйича "ЭКОСАН" халқаро ташиқлотининг "Санитария маданияти юксалтириш учун" совринини қўлга киритди.

Бу маҳаллада қўлга киритилётган ютуқлар натижасида кўп жиҳатдан оқоқол Бозор Ҳақимовнинг савий-ҳаракатига боғлиқ. У қўлгана ибратли ишларни ташкил этади. 2006 йили маҳаллада 50 та ишчи ўрни яратилди. Ҳудудда жойлашган деҳқон бозори обод, тоза-озода. Автомобилларга хизмат қўрсатадиган устaxonа эса мижозларнинг доимий хизматига. Бу ерда эзгу амалларга алоҳида эътибор берилади. Хайит ва байрамларда кексалар, эҳтиёжманд кишилар бирин-кетин йўқланади. Улардан кўнгил сўралади. Бунда "Олтин чигит" қўшма корхонаси бошлиғи Жўра

Менглибоевнинг муносиб хизмати бор. Шунингдек, Абдулазиз Саломов, Исмоил Рўзиматов, Қоракон Турсунов, Абдурашид Сафаров сингари саховатпеша инсонлар ҳам маҳалла жонкуярларидан. Улар халқпарварлиқни ўрнига қўймоқдалар, қариялар, ногиронларга беминнат мурувват қўлини қўймоқдалар.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi бошқа маҳаллаларда ҳам бу каби ободонлаштириш ишлари ҳамда оммавий тадбирлар намунали ўтказилмоқда. Элбон, Киндик, Ҳўжамқулов номи маҳаллаларда тоза ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Хар бир маҳаллада 3-5 километр узунликдаги ички йўлларга шағал ётқизилди. Табиий газ учун янги тармоқлар тортилмоқда. Киндик маҳалласида бунёд этилган иссиқ нон корхонаси маҳсулотлари эса аллақанда харидорини топан.

Албатта, бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Энг муҳими, эзгу ишлар фуқароларни мамнун этмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.
Сурхондарё вилояти

Иштиёримизда 96 гектар ер бор. Асосан чорвачилик, пахтачилик, галлачилик билан машғулмиз. Ўтган йили 18 гектар пахтазордан 30 центнер ўрнига 39 центнердан ҳосил олиб, режалаштирганимиздек 54 тонна эмас, балки 71 тонна пахта-ни давлатга сотган эдик. 20 гектар майдондаги галлазордан эса 70 центнердан ҳосил кўтариб, туманда энг юқори натижага эришдик. Шу туфайли пахтадан ҳам, галладан ҳам яхшигина даромад олиб, соф фойдани кўпайтирдик.

Изланиш

Имкониятлар эшиги очик

Шунингдек, қарамоғимиздаги 312 бош қорамол, шу жумладан 90 таси соғин ситигдан олган даромадимиз ҳам фермер ҳўжалигимиз иқтисодини бойитиб, аъзоларимизнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Бу йил галлачиликдан олинган ҳосил гектаридан 73,5 центнерга тўғри келди. Давлат-га галла сотиш режасини ошириб бажариш билан бир қаторда аъзоларимизнинг уйи донга тўлди.

Қисқаси, Юртбошимиз Фармонлари туфайли ишлайман, деган фермер учун имкониятлар эшиги очилган. Ана шундай қарорлар асосида банкдан олинган кредитлар ҳисоби-га ҳўжалигимиз учун етарли миқдорда турли русумдаги техникаларни сотиб олиб, улар-

дан унумли фойдаланаямиз. Деҳқончиликдан, чорвачиликдан қўрилаётган фойда ҳисобига олинган кредитларни ўз вақтида тўла-ямиз.

Энг қувончлиси, меҳнатимиз муносиб равишда тақдирланаётганлигидир. Юртбошимиз Фармонларига асосан, 2001 йили "Шўхрат" медалли, 2006 йили эса "Эл-юрт орден" билан тақдирландим.

Ана шулардан ҳулоса қилиб, баралла овозда айта олам: "Астойдил иштиёқ билан тер тўкиб ишлайдиган, меҳнат самарасини қўриб, роҳат қилиб яшайдиган замон келди!"

Бегмуҳаммад САИДРАСУЛОВ,
Иштихон туманидаги "Саидрасулов" фермер ҳўжалиги раҳбари.
Самарқанд вилояти.

"БОИНГ-757" — Қаршида

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида қашқадар-ёлик авиайўловчиларга муносиб тўхфа ҳозирлади.

"Қарши-Москва-Қарши" ҳаво йўналиши очилди. Москвадан парвоз қилган, 180 йўловчини ўз бағрига олувчи "Боинг-757" ҳаво лайнери Қарши аэропортига келиб қўнди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тақдирот маросимида сўз олганлар яратилган бу катта қўлайлиқдан миннатдор эканликларини изҳор этидилар. Эндиликда воҳада фаолият қўрсатаётган қўшма кор-

хоналар, тадбиркорлар Россия давлати билан ҳамкорлик қилишда ушбу янги рейсдан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлилар.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари"

миллий авиакомпанияси "Қарши-Санкт-Петербург" янги рейсини очилиши ҳам режалаштирган.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.



Мурод КОМИЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

(Боши 1-саҳифада)

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 2006 йилнинг шу даврига таққослаганда бошқоқчи дон экинлари, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт ва пилла кўп етиштирилди.

Аҳолини иш билан банд этиш ва даромадлари даражасини ошириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар биринчи ярим йилликда 314,8 минг янги иш ўрни, шу жумладан хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида – 75 мингдан ортиқ, қасанчаларнинг ташкил этиш ҳисобига – 40,2 минг иш ўрни яратилишини таъминлади. Аҳолининг реал даромадлари 21,3 фоизга ўсди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 2 ёшгача бўлган болани парварishi қилиш билан банд бўлган 440 минг нафар ишаламаётган оналар, 18 ёшгача болалари бўлган 880 минг оила нафақа олди. 44 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам қўрсатилди, 28,5 минг кам таъминланган ва кўп болали оила бепул қорамол олди. Ногиронлар учун 2049 иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларга 20,4 миллиард сўм кредит, шу жумладан ўз бизнесини ташкил этишга 10,6 миллиард сўм имтиёзли микрокредит берилди.

Иқтисодиёт вазир Б.Хужаев, меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазир вазифасини бажарувчи А.Ханитов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А.Қамоллов, Андижон ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари, шунингдек, республиканинг бир қанча акциядорлик компаниялари ва банклар раҳбарларининг ҳисоботларида белгиланган макроеқтисодий кўрсаткичларга эришиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурларининг амалга оширилиши танқидий таҳлил қилинди.

Идоралар раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар ҳокимларининг эътибори хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган агрофирмаларни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этиш лойиҳаларига

инвесторларни жалб этиш юзасидан қўрилган чора-тадбирларнинг етарли эмаслигига қаратилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервис объектларини молиялаштириш учун Бандликка қўмақлаштириш жамғармасидан ажратилган маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш масаласи танқидий қўриб чиқилди.

Маҳлис катнашчилари олдига 2007 йил учун белгиланган вазифаларга мувофиқ устувор вазифалар ва мақсадли комплекс ривожлантириш дастурлари сўзсиз баҳарлишини таъминлаш мақсадида йўл қўйилган камчиликларни тевзорлик билан бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар дастурига амалга оширилиши ва Автомобиль йўлларини ривожлантириш концепциясида 2007 йил учун назарда тутилган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш топшириқларининг бажарилиши муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова, «Ўзбекнефтегаз» миллий-холдинг компанияси раиси Н.Аҳмедов, халқ таълими вазир Т.Жўраев, Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуродов, «Ўзбекнефтсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Р.Ўзқуллов, «Ўзавтйўл» давлат-акциядорлик компанияси раиси М.Абдуллаев, республика йўл жамғармаси директори Н.Ўлибеков сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳисоботлари инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини, автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкция қилилишини танқидий таҳлил қилишга, шунингдек, объектларни сўзсиз ва ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлашнинг аниқ вазифаларига бағишланди.

Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажоновнинг нутқи ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси С.Раҳимов, «Аска» банки бошқаруви раиси Қ.Орипов, «Ипотека-банк» бошқаруви раиси А.Абдуллаев, Фарғона вилояти ҳокими А.Абдуллаевнинг ҳисоботлари банк-молия тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг қўламлигини кенгайтириш, депозитлардан нақд пул узлуқсиз берилишини таъминлаш, пул маблағларининг банддан ташқари айланмасини янада қисқартириш вазифалари ижросига бағишланди.

Тижорат банклари раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашуви янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жihatдан қайта жиҳозлаш лойиҳаларини кредитлашдаги иштирокини кенгайтириш юзасидан банкларнинг фаолиятини фаоллаштириш зарурлигига қаратилди.

Бош вазирнинг ўринбосари Р.Қосимов, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиқларининг раҳбарлари Ф.Назиров, Б.Алимухамедов, бир қанча вилоятлар ҳокимларининг қишлоқларида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури чора-тадбирларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўриш зарурлигига эътибор қаратилди.

Маҳлисда пахта етиштириш бўйича комплекс агротехника тадбирларининг бажарилиши тўғрисида Қишлоқ ва сув ҳўжаллиги вазир С.Исmoilовнинг ахбороти ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланди. 2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг ме-лиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, қисқа ва узок муддатли даврларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувни тежаш бўйича дастурларни сифатли тайёрлаш ва қўриб чиқиш учун республика ҳукуматида киритишни жалдлаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш ажу-лари бўйича республика ҳукумати маҳлисида қарор қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика ҳукумати мажлисида белгиланган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА)

Хавфли камарлар қўлга олинди

Ироқнинг Сурия билан чегарадош ҳудудда мамлакат хавфсизлик кучлари террорчиларга тегишли катта миқдордаги хавфли юкни қўлга киритди.

Ироқ ички ишлар вазирлиги хабарларига кўра, ўтказилган махсус рейд давомида юк машинасига ортилган террорчилик камикадзеларининг қўлурувчиликда фойдаланадиган 200 та «ўлим белбоғи» борлиги аниқланган. Айтилган дамида автомобиль ҳайдовчиси сўроқ қилинган, юзлаб аҳолининг умрига зомин бўлиши мумкин



Бўлган «ўлим белбоғ»лари йўқ қилинган.

Мамлакат ички ишлар вазирлиги Сурия ҳукуматидан Ироқ чегарасига хорижий террорчиларнинг кириб келмаслигини қаттиқ назорат остига олишни сўраган.

Шаҳар

оёққа турди

Нью-Йоркнинг маркази Манхэттенда тонгги вақтда ер остида қучли портлаш содир бўлиб, бир неча метр баландликка қувор, асфальт, бетон бўлақлари ва чанг отилиб чиққан.



Портлаш 77 қаватли Chrysler концерни биноси ёнида диаметри 8 метрли ўпқон ҳосил қилган. Маълум бўлишича, иситиш тизимининг буҳонасида юз берган носозлик портлашга сабаб бўлган экан. Фожа оқибатида бир одам юрак хуружидан ҳалок бўлган. 30 га яқин одам эса тан жароҳати олган.



«Хотамтой» банккомат

Лондоннинг HSBC банки бир банккоматдаги носозлик туфайли катта зиён кўрди.

Шаҳарнинг Клеркенвелл туманидаги ушбу банкда тегишли банккомат қутилмаганда миңозлар учун 10 фунт-стерлинг ўрнига 20 фунтлик купюралар чиқариб бера бошлаган. Бу банккоматнинг «хотамтой»лигини билган одамлар узундан-узок навбатга тура бошлашган. Камига банкнинг пластик картчасига эга яқинларини ҳам телефон орқали чақирган. Ярим соат мобайнида банккомат бир неча ўн миң фунтнинг тарқатиб юборган. Бу ҳол икки соатга яқин давом этган. HSBC банки қанча зиён кўрганини ҳозирча сир тутмоқда.



Элиқалъа тумани Навой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 52-сонли мактабда капитал реконструкция қурилиши учун 202,5 миллион сўмлик иш бажариш кўзда тутилган. СУРАТДА: мактаб директори Соли Машарипов қурувчилар Муродбой Худойбергенов ва Уктам Жуманиязов билан мактаб қурилишидаги иш жараёнини кўздан кечиримоқда. Б.АКРАМОВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси



Бетараф ҳудуддаги «тутқун»лар

Фаластиннинг Фазо сектори ва Мисрнинг Ал-Ариш шаҳри чегарасида юзлаб одамлар оғир аҳволда қолмоқда. Хабарларга кўра, ақсарияти ёш болалар, қариялар ва аёлларни ташкил этган фаластинликлар чегаранинг бетараф ҳудудида бир неча кундан буён озик-овқат, дори-дармонсиз қолиб қетишмоқда. Ушбу Рафах чегара пункти Фазо секторини ташкил этган ҳудуддир. Рафах Фазо секторини назорати ХАМАС жангарилари қўлга ўтган ёниб қўйилган. Чегаранинг бетараф ҳудудидаги фаластинликлар сектордан қочиб чиқаётган вақтларда қолиб қетишган.



Сан-Паулудаги фожа

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳридаги Конгонхас аэропортида ҳалокатга учраган А-320 самолётининг бортидаги барча одам ҳалок бўлган.

Самолёт вайронлари остида ҳозирча 181 нафар йўловчи жасади топишган. Қолган тўққиз кишининг тақдирини номаълумлигига қолмоқда. Айтилганда авиаҳалокат туфайли Бразилияда уч кунилик мотам эълон қилинган.

Аэропорт ҳодимларининг гувоҳлик беришича, Порту Алегри шаҳридан қайтаётган авиалайнер экипажи йўлак мўлаққатини тўғри олмаган. Оқибатда, ерга қўнган самолёт аэропорт чегараси ёқилиб сақланувчи омборга қелиб урилган.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили»

Янги Миришкор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Гулханов Ашурбиби Жалилова хонадонини эшигини қоқди. Ичкаридан қадам товуши эшитилган, бир оз тарадудланиб турди-да, йўналди. Онахон маҳалла оқсоқоли ташрифидан хурсанд бўлиб, ҳовлидаги супага дастурхон ёзмаққа чоғланди. Раис унамади.

Ўзингдан қўймасин элим

–Йўқ, йўқ, мен бирровга кирдим. Овора бўлманг, – деди раис қўлидаги дафтарчасига нималарнидир қайд этаркан. – Маҳалла аҳли билан келишиб, уйингизнинг томини ёпиб беришни мўлжалладик. Ҳомийлар шай туришибди. Хиёлат бўлманг, ҳашар дегани азалдан бор нарсасиз. Сизнинг элга кўп ёрдамнингиз теккан. Бу яхшиликларни нутиб бўладими?

Онахон кўзига ёш олди. Оқибатли маҳаллошларини узок дуо қилди.

Ҳақиқатан ҳам орадан бир-икки кун ўтар-ўтмас Ашурбиби момонинг лойисувок уйи усти шиферланиб, тунқалар ялтирай бошлади. Бу савоб ишга бош қўшган маҳалладаги тадбиркорлар кўнгли янада равшанлашди. Чунки, Ашурбиби момо бир пайтлар шу йигитларни елкасида кўтариб улғайтирган эди. Маҳалладаги ҳамма гўдакларни бирдек яхши кўрар, бўш вақтини улар билан ўтказарди. Мана бүгун ҳолис хизматлари ўзига яхшилик бўлиб қайтаётти. Айтадиларки, яхшилик ҳеч қачон ерда қолмайди. Бу ҳақиқатни нафақат Янги Жейнов маҳалласи, балки Миришкор туманидаги Жейнов қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи қўлбал оилалар, кекса ва ногирон кишилар ҳис этишмоқда.

–Маҳалламизнинг 654 хонадонидида 3664 нафар аҳоли ишқомат қилаётти, – дейди Янги Жейнов маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулло Гулханов. – Кейинги нов қишлоқ-ростлаётти-май-нолар, кўчалар, кўча бонлар кайфиятини эртанги кунга ни уйғотмоқда. Мабарпо этилган замонавий ҳаммом, ёшлар маркази, мезморий ечимни жиҳатидан шаҳардаги иншоотлардан сира қолишмайди. Айниқса, 20 километр масофадаги Жейнов – Муборак газ қуварининг қурилиши қишлоқ аҳли учун янада янги кулайликлар яратди.

Езининг саратонидида ҳаводан олов пуркагандай иссиқ ёғилсада Жейнов нисбатан салқин. Чунки, бу ерда бог-роғлар кўп, дарахтар бисёр. Хар бир одам бог қилишни, мева-чева етиштиришни азалий касб-коримиз, дейди. Фермерлардан Нормурод Рўзиев 6 гектар, Бобомурод Алиев 5 гектар ва бошқа ўнлаб фермерлар янги бог барпо этишди. Урик, бодом, қароли, узум, нок, олма дарахтарлар кўзни яшнатади. Мева ва узум дастлаб қишлоқ кексаларни, ногиронлар ва болалар оғзига тегади. Бу ҳам элнинг бир-бирига меҳр оқибатлигидан далолат беради. Бошқача айтганда, Жейнов қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янги Жейнов, Анхуй, Каттапой, Аввона, Айзабод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Маҳалла оқсоқоллари Убайдулло Гулханов, Амир Чориев, Ибодулло Низоёв, Хайрулла Қурбонов ва Юсуфбой Ширинов қишлоқларда кичик бизнес ва ҳушусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий таъминотига қўмақ бериш каби ишларда доим бош-қош бўлишмоқда.

Суннат САЙДАЛИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири. Жасур ҚОЗИЛОВ, ҲАМИ ҚУРБОНОВ олган суратлар. Бўҳоро вилояти.

Қашқадарё вилояти

Қатрада акс этган кўёш

Халқимизнинг «Ватан – маҳалладан бошланади», «Қатрада акс этган кўёш» сингари қўйма ибораларида олам-олам маъно юмурсасам. Уларнинг маъини қақсак, мамлакатимизда қўлга киритилган муваффақиятлар энг аввало, юртдошларимиз хонадонларида, маҳаллада ўз ифодасини топаётганлигини ҳис этамиз. Демак, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган ислохотлар самарасини, ҳар бир жаҳада олиб борилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик ишларининг натижасини кўриш, булар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун ў ки бу ҳудуддаги ишлар билан танишиб, кўрсаткичларни таҳлил этишининг ўзи кифоя қилади. Мустақиллик берган катта имконият туфайли тобора гуллаб-яшнаётган Ромитан тумани, ҳусусан, Ромитан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида умргузаронлик қилаётган юртдошларимиз ила мулоқотда бўлиб, уларнинг эзгу ишлари билан яқиндан танишдик. Бошқа жойлар каби бу замин ҳам Истиқлол қўшиқдан тўла-тўқис баҳраманд бўлаётганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Мустақилликнинг илк йилларида дастлабки фермер ҳўжаликлари ташкил этилиб, мулкчиликнинг янги шаклига асос солинаётганлиги Президентимизнинг бунга мамнун этгани. Юртбошимиз гуяга юқори баҳо бериб, қишлоқ ҳўжаллигига кенг қўламда амалга оширилган иқтисодий ислохотларга пойдевор қўйлаётганлигини, фермерлар, қишлоқ мулкдорлари Истиқлол қалдирғочлари эканлигини фахр билан таъкидлаганди. Юқоридagi фикрлар Ромитан туманига, ана шу хайрли ишга дадил қадам қўйган ушбу замин фермерларига ҳам тўла тааллуслик.

Янгиликнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши хар доим ҳам осон кечмаган. Чунки, кўп пайтдан бери амалда бўлган тартиб-қоидаларни ислох қилиш, яъни уларни ўзгартириб, мулкчиликнинг янги шаклини қарор топтириш ижтимоий-иқтисодий муносабатларга тўғридан-тўғри дахл этиш деганидир. Республикаимизнинг қишлоқ жойларида айна шундай жараён кетаётганди. Дастлабки фермерлар фаолият кўрсада бошлаган бўлса-да, ҳўжалик юриштириш аввалги шакллари янгиликка ўрин бўлаётгиси келмасди. Тўқсончи йиллар охирида – янги аср бошларида мамлакатимиз баҳарияти республикамизнинг турли минтақаларидан био қатор ҳудудларни таърибга тарикасида мулкчиликнинг янги шаклига ўтказиш, шу асосда фермерликнинг афзалликларини халқимизга кўрсатиш зарур деган ғояни илгари сурди. Қорақалпоғистон Республикасида Элиқалъа тумани, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг қўриқ минтақаларида янги-ча муносабатлар асосида ишлашга ўтилди. Иқтисодий соҳаларда катта таърибга тўлган Аскар Нозимов Ромитан туманига ҳоким этиб тайинланган, бу ҳудудда тўлиғича фермерликни тадбиқ этиш сав-харакатларини

бошлаб юборди. Диққат-эътибор белгиланган тадбирларнинг изчил амалга оширилишига қаратилганлиги, ҳар бир масалада қатъий кўрсатилганлиги, зарур пайтда қаттиққўллик қилинганлиги, энг муҳими, янгилик моҳиятини одамлар онгли равишда идрок этганлиги боис икки-уч йилдаёқ самара яққол кўзга ташланди. Энг аввало, хозирги пайтга келиб фермер ҳўжаликлари 1400 дан ошиб кетганлигини таъкидлаш зарур. Туман деҳқончилигининг асосий тармоқлари ҳисобланган пахтачилик ва галлачилик кўрсаткичларини таҳлил этсак, салмоқли ўсишга эришилганлигининг ғувоҳи бўламиз. 2006 йили 48060 тонна пахта, 54240 тонна галла етиштирилди. Бу – тўлиқ фермерликка ўтишдан илгариги натижалардан 28-32 фоиз кўпдир. Бунга моддий манфаадорлик қўчайтирилганлиги туфайли ҳосилдорлиқни ошириш ҳисобига эришилди. Ана шу кўрсаткич



«Имидж текстил» корхонаси тикувчиси Олима Мирхонаева

кейинги йилларда пахтачиликда ўртача 4-5, галлачиликда эса 8-10 центнерга ошганлиги фикримизни тасдиқлайди.


Президентимиз Ислам Каримов

ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида Бўҳоро вилоятига қўлган сафарини айнан Ромитан тумани фермерлари далаларини кўздан кечириш билан бошлаганини беҳиз эмас. Мулоқот чоғида қишлоқ мулкдори Абдурахим Сатторов раҳбарлигидаги «Саттор-Камол» фермер ҳўжалиги аъзолари пахта ва галладан ҳар йили юқори ҳосил олиб, даромадини ошириб бораётганлиги, бу – пировард натижада турмуш шароитини яхшилашга пойдевор қўётганлиги таъкидланди.

Муҳиддин Жалилов ҳам Истиқлол туфайли заминдор бўлганлардан бири. У раҳбарлик қилаётган «Ахор бува» фермер ҳўжалиги тасарруфидида 49 гектар ер бор. Ромитан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган бу мулкдор билан иш тизги бир пайтда дала бошида оз дурст сўхбатлашдик.

Ота-буваларимиз бир умр деҳқон эркинлигига қиқчилиш, ўз ерига эга бўлишни орзу қилишганди, – дейди фермер. – Бундай бахтга Мустақиллик туфайли бизнинг авлод мушарраф бўлди. Истиқлолнинг иноятини қарангки, илгари қишлоғимиздаги хар бир оила пастдеккани дўхонга олиб келинадиган унга ўз тикиб турарди. Эндиликда эса фермер ҳўжалигимиз аъзоларига хар йили ярим-бир тонналаб галла бермоқдамиз. Кам таъминланган оилаларни ҳам дон билан сийлаб, ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келаямиз. Бундай мулкчиликка 11 гектар галлазордан юқори ҳосил олганлигимиз асосий омил бўлди. Шу туфайли давлатга 60 тонна галла сотиш билан бирга жамоамиз аъзоларининг эҳтиёжини қондирдик. Хозирги пайтда 38 гектар ердаги ғўза парварлигини кўндан-кўн

га қўчайтириб, қўзда катта хирмон яратиш ниятида сидиқдил ишлаялмиз. Галлачилик ва пахтачиликдан яхши даромад қўрилишдан ҳўжалигимизнинг хар бир аъзоси моддий манфаатдор. Шу боис улар виждонан, эмин-



Қишлоқ мулкдори Муҳиддин Жалилов

эркин меҳнат қилишди. Бундай имкониятни бизга Истиқлол берганлиги учун ҳам шўхронамизни ҳамма ерда чин қўнгилдан айтаямиз. Қишлоқ мулкдорининг сўзларига қўшимча қилишга, изоҳлашга зарурат бўлмаса керак. Чунки у Мустақиллик деҳқонга қандай шарт-шароит яратганлигини ўз фермер ҳўжалиги миқсолида аниқ-равшан ифода этди. Зеро, қатрада қўёш акс этганидек, бир фермернинг сермазун ҳаётига назар ташлаб, барча заминдорларнинг орау-интилишларидан воқиф бўлиш мумкин.

Туман ҳокими Аскар Нозимов билан мулоқотимиз чоғида табиий бир савол юзага келди: «Туман тўлиғича фермерликка ўтганига етти-саккиз йилдан ошди, иқтисодий ислохотларнинг самараси аҳоли турмуш фаровонлигига акс этаётганлиги аққол

Интилиш

Қумликлар бағридаги бойлик

унинг салмоғини оширишга чорвадорлар камарбаста

“Қўқча” ширкат ҳўжалиги Ғиждувон тумани марказидан 100 километр узоқликда, қўшни Навойи вилояти билан чегарадош чўл худудида жойлашган. Ҳўжалик ихтиёрида 224 минг гектар яйлов мавжуд бўлиб, бу ерда 30 минг бош қўй-қўзи парвариш қилинади. Барча чорвадорлар қатори кўпчилик қўйчионлар ҳам асосий эътиборни мавжуд совлиқлардан режага яраша қўзи олиш ва уларнинг асосий қисмини ўстиришга қолдириб, отарлар сонини йилдан-йилга кўпайтиришга қаратишган. Бундан ташқари, кўплаб қимматбаҳо қорақўл терилари, гўшт ва жун етказиб бериш борасида ҳам астойдил меҳнат қилишаётир.

Жорий йилда ҳўжалик чорвадорлари 100 бош совлиқдан ўрта ҳисобда 108 тадан қўзи олиб, унинг 90 фоизини ўстиришга қолдиришди. Етиштирилган 4,5 минг дона қорақўл терининг 95 фоизи 1-навли валютабон қилиб тайёрланди. Шунингдек, 49 тонна жун, 15 тонна гўшт етиштирилиб, шартнома асосида қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилди. Ҳўжалик мутахассислари Самарқанд қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий текшириш институтининг олимлари билан ҳамкорликда юқори навли Бухоро тилларанг ва қумушранг сур тери берувчи совлиқлар сонини кўпайтириш борасида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Бунинг самараси ўлароқ ҳар йили ҳўжалик қим ошди савдоси ва шартнома асосида қорақўлчилик ҳамда фермер ҳўжаликларига 600-650 бош наслдор қўйлар сотишга муваффақ бўляпти. Шу ҳисобдан ҳўжалик йилига 7-7,5 миллион сўм соф фойда қўймоқда.

Қўшлоқ ҳўжалигининг барча тармоқлари қатори қорақўлчиликда ҳам иқтисодий ислохотларнинг жорий этилиши кўйинг 2-3 йилда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатиши, дейди ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Исмаил Ғайбуллоев. — Оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган чўпчиларимиз ўз меҳнатлари натижасидан манфаатдор эканликларини яхши билишади. Шу боис, улар шартнома мажбуриятларини орғичи билан бажаришга ҳаракат қилишади. Кейинги йилларда отарлар сонининг 23 тага, қўй-қўзиларнинг эса 3000 бошга қўйилиши ҳам, чўпчилар даромади ва иш унумининг ортishi ҳам қисқа қилиб айтганда, меҳнатта муносабатнинг ижобий ўзгариши ҳам ислохотларнинг натижасидир.

Ҳақиқатан ҳам ҳўжаликнинг Рамазон Рустамов, Султон Қороев, Самад Раҳмонов, Рашид Шоахмедов каби бош пудратчилари олийк иш ҳақлариға қўшимча тарзда 1-1,5 миллион сўмгача ҳақ олишга эришдилар.

Чўпон-қўйликлар оиласи истикомат қиладиган отарларда яратиб берилган шароитлар ҳам ютуқларга асосий омил бўляпти. Мавжуд 57 та отарларнинг асосий қисми электр энергияси ва замонавий алоқа воситалари билан таъминланган. Ҳар йили 85 мавсумида отарларда қишлоқ учун етарли миқдорда озуқа ва омухта ём захираси яратилди. Бунинг учун ширкат ҳўжалигида барча имкониятлар мавжуд.

Чўпонларни ихтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат таътили даврида дам олиш уйлариға боришларини таъминлаш, турар-жойларини таъмирлаб бериш ишлари ҳам раҳбарият назоратида. Бир сўз билан айтганда, “Қўқча”да Бухоро қорақўлчиликнинг шўҳратини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар тахсинга лойиқ.

Ҳамроз АЛИ,
“Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Бухоро вилояти

Жаннат меваси

Дибримизда етиштирилаётган танти мевалардан бири анжирни халқимиз жаннат меваси деб аташади. Серхосият бу неъмат нафакат ўзининг татимлиги, ширдорлиги, балки бир қатор шифобахш хусусиятлари билан ҳам ажралаб туради. Анжир жуда қадим замонлардан бери халқ таъбибатида кенг қўлланиб келинади.

Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино анжир мевасини изтиробли йўтални қолдирувчи, балғам қўчирувчи омил сифатида ишлатган. Анжир шарбати билан хантал (горчица)нинг кўпик аралашмаси қулоққа томизилса, қулоқ шангилашишга хотима беради. Ўсимликнинг сўт шираси қоракўрт ва чаёнларнинг захрини кесийшга ёрдам беради. Бу ҳақда қомусий китоб “Тиб қўнунлари”да баён этилган.

Ўз даврининг машҳур табиби Муҳаммад Хусайн ибн Муҳаммад ал-Оқилнинг “Махзан ул-адвийа” номили китобида берилган маълумотларга қараганда, анжир танадаги қароратни маромлаштирилади, чанқоқни қолдиради, терлатиб, аъзоларни юмшатади, семиртишга мойиллик яратди. У юракнинг хариқшишга барҳам бериб, зикнафас (бронхит астма), кўкрак оғриғи, плевранинг дағаллашишига ёрдам қилади. Бодом билан истеъмол қилинса, илқини тўқ қилиб, дармонбахш таъсир кўрсатади. Овқатдан олдин истеъмол қилинса ичакка фойдали.

Олимларнинг берган маълумотларига қараганда, ушбу ўсимлик баргларида олинган шира бир қатор ашаддий замбуруғ ва бактерияларга қирин келтиради. Томоқ шомоллаганида анжир мевасидан тайёрланган дамлама билан гарғара қилинса, ижобий натижа беради. Камқонлик даридида қувватлантирувчи омил сифатида ҳам ушбу мевани истеъмол қилиш тавсия этилади.

Халқ таъбибатида ҳозиргача қўлланилиб келаётган анжир мевасининг сутли қайнатмаси юқори нафас йўлларидаги ўткир яллиғлашишда, чўнончи трахеитлар, бронхитлар, бронхиткастик касалликларидида даровов-

чи табибий манба ҳисобланади. Таърифи оламжаҳон анжирнинг шифобахшлик хислатлари унинг таркибида мавжуд бўлган шифоли моддалар билан белгиланади. Чўнончи, унинг меваси таркибида 57-77 фоиз қанд, органик кислоталар, С, В₁, В₂ дармондорилари, провитами А, оксил, пектин, маъданий тузлар мавжуд. Таркибида фицин ферменти бўлганлиги сабабли анжир меваси тромбозомболия дардига ҳам даволлик қилади.

Унинг сўт шираси Болқон мамлакатларида пишлоқ ва ширчиритма тайёрлашда ишлатилади. Уругларидан олинадиган мой тез қуриши туфайли лак-бўёқ саноатида ноёб маҳсулот ҳисобланади.

Аммо, қандли диабет билан оғриган касалларга ва ўткир меъда-ичак касалликлари тугган вақтида анжир истеъмол этиш лозим қўрилмайди.

Ўлкамиз шароитида анжирнинг қадота, қора анжир, асал анжир, сарик анжир каби навлари етиштирилади. Ўшбу ўсимлик анчагина беор бўлиб, ер танламайди. Ҳатто, 18° Сга бардшо бера олади. Айни ҳосилга кирганида эса тулудан 100 килограммгача мева олиш мумкин.

Маълумотларга қараганда, агар экилмоқчи бўлган анжир қаламчасини тахминан 1 соат чамасида тузли сувга солиб қўйиб, сўнгра ўтказилса, ушбу бута воёга етган унинг меваси ўта ширин бўлар экан.

Манон НАБИЕВ,
доришунос.

Ҳар бир банкнинг фаолияти миқозларга қандай хизмат кўрсатаётганиги билан баҳоланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, республика акциядорлик-тижорат “Алоқабанк” кейинги йилларда алоқа, саноат, савдо, транспорт хизмати, таъмирлаш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш учун самарали маблағ қўйиш, истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қатъи аҳамият қаратмоқда. Молия муассасаси фаолияти, асосан, мамлакатимизнинг алоқа тармоқлари, кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга ҳамда давлат дастурларини амалга оширишга йўналтирилган.

Банкнинг Қорақалпоғистон филиали ҳозирги кунда 438 та ҳўжалик субъектига хизмат кўрсатиб келаётир. Улар орасида тадбиркорлар салмоқли ўрин эгаллайди. Кредит қўйилмалари биринчи навбатда алоқа корхоналари, таъмирлаш, савдо, овқатланиш, кичик бизнес субъектларига, саноат корхоналарига ҳамда бошқа соҳаларга ажратиб берилмоқда. Ҳўжайли ва Кеғейли туманларида 2 та кичик банк шохобчалари мавжуд. Улар хизматидан миқозлар мамнун.

“Имтиёздан баҳраманд бўлдик”

Банк жамоаси кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, Эллиққалъа туманида фаолият кўрсатаёт-

ларда жудаям асқотмоқда. У ердагиларнинг отасига раҳмат. Чоп-чопларсиз, бир зумда кредитни беришди.

— Ниятларингиз кўпми? — сўраймиз ундан.

ишга тушган жойда тараққиёт жалдлашади, янги ютуқлар қўлга киритилаверади.

Қулай усул

— Ҳисоб-китобнинг қулай ва замонавий усули — нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ривожланиши пластик картчалар билан боғлиқ ҳолда шаклланиб бораётир. — дейди банк бўлими бошлиғи Муҳаббат Абдумуродова. — Молиявий хизматнинг ушбу туридан фойдаланиш нечоғли қулай, ишончли эканлигини халққа кенг тушунтириш бугун бизнинг олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.



дейди Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманидаги “Синдор” кўптармоқли хусусий корхонаси раҳбари Самандар Тоҳиев

— Ахир ҳаётда орзусиз яшаб бўладими?..

Қимирлаган қир ошади, деб бежиз айтишмаган-да, кексалар. Келажакда олинандиган даромаднинг бир қисмини ернинг ўзига сарфламоқчиман. Ихтиёримизда техникаларни янада кўпайтириш ниятим ҳам йўқ эмас. Бундан ташқари, яна кўнглимизга туғиб қўйган орзу-ниятларим ҳам сероб.

— Банкида маблағни дуч келганга эмас, иш биланга бериш фаолият мезонига айланган, — дейди банк ходимлари биз билан суҳбатда. — Шу боисдан бўлса керак, молия муассасамиз ўзининг ишончли ҳамкор эканлигини амалда намойён этаёпти. Энг асосийси, бу ҳамкорликдан банк ҳам, миқоз ҳам бирдек манфаатдор. Қолаверса, бундай омил

Пластик картчанинг қулайлиги хусусида филиал миқозлари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. 2007 йилнинг шу кунига қадар пластик картчалар орқали 51705 минг сўм миқдоридида маблағ ўтказилди. 34184 минг сўмлик иш ҳақи берилиб, 14741 минг сўм коммунал ва савдо шохобчаларида тўлов амалиётлари олиб борилиди.

Қарз кўтарди, ишлар юришди

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири — бу кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришдир. Чўки ривожланган давлатлар тахрибасининг кўрсатишича, кичик ва ўрта бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағ сарфини кам талаб қилади, ичмаллиги, ўзи ишлаб чиқараётган маҳ-

сулотлар турларини тез ўзгартириб олиши, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эгаллиги жиҳатидан алоҳида ажралаб туради.

Кичик тадбиркорлик, шунингдек, бозор конъюктурасининг ўзгаришдан талабларига ҳамда вақти-вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тез мослашади. Айниқса, бу ҳолат республикамизда ишлаб чиқариш жараёнида ишлар халқаро андозалар талаблари даражасида йўлга қўйиш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, истеъмол моллари бозорини сифатли товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳолини иш билан таъминлашда ҳам кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни бекиёди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтилган бўлса, банк жамоаси ҳукуматимиз раҳбарининг “Якка тартибдаги тадбиркорлиқни, кичик ва ўрта бизнесни янада

ХИЗМАТ

тиб берилди.

Президентимизнинг 2007 йил май ойидаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида бу ерда муайян ишлар амалга ошириляпти. Хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида “Додо Нукс” кўптармоқли хусусий фирмасига Ҳўжайли шаҳрида автомобиль-транспортлариға авто ёқилги қўйиш шохобчасини очини учун 25 миллион сўм кредит қарзи берилди. Ҳозир мазкур фирмада иш қизиган.

Бозор — ўз номи билан бозор. Хусусан, якка тадбиркорлик соҳасида етти ўлчаб, бир кесилмаса, ўзaro рақобатда имкониятни бой бериш ҳеч гап эмас. Нукус шаҳрида истикомат қилувчи Сайёра Кошкарбоева табиатан тиниб-тинчимас, гайратли аёл. Унга автобус сотиб олиб, йўловчилар манзиллини яқин қилиши учун етарли миқдорда маблағ зарур эди. Қани ўша маблағ? Ана шунда АТ “Алоқабанк” Қорақалпоғистон филиали

ёрдამга келди.

“РИОН Транс” фирмаси бошлиғи Сайёра Кошкарбоевага “ISUZU” маркали автобус сотиб олиш учун 48 миллион сўм кредит ажратилди. “РИОН Транс” тез орада қаддини тиклаб олди. Бугунги кунда 5 та шу русумдаги автобуслар халқ хизматини қилади. Фирма раҳбари С.Кошкарбоевнинг айтишича, у бундан кейин ҳам банк билан ҳамкорликни давом эттиради. Мақсади янги режаларини амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, “Алоқабанк”нинг Қорақалпоғистон филиали жамоаси минтақани тараққий эттириш, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли адо этилишиға ўзининг муносиб ҳиссасини қўйишға интилоқда.

Улугбек ЖУМАЕВ,
“Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Хабар

Хўжайлида янги коллеж

“Жамбасукур-лиш” ассоциациясига қарашли қурилиш-монтаж бошқармаси Хўжайли шаҳрида транспорт коллежининг қурилишини поёнига етказмоқда.

Уч қаватли ўқув корпуси, спорт зали, ошхонаға эга замонавий ушбу зиё максанида янги ўқув йилидан 540 нафар ўғил-қизлар таълим-тарбия олишға киришади.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Корхоналар раҳбарлари ва фуқаролар диққатига!

“Ўзбектелеком” АК “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганлиги ва ишлаб турганлигини эслатиб ўтади. Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан “Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондалари” қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларға амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликкари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларға шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш

Жумладан:

- Рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- Кабель магистраль алоқа линиялар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томоркалар ташкил этиш;
- Кабель магистраль алоқа линиялар ўтган жойларини қўрсатувчи оғоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан қўчириш, синдириш, қўйиб юбориш;
- Турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасидан қудуқлар қазих, шўрф қурилиши ҳамда геология, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- Турли хил чикиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- Магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш

ТАКИҚЛАНАДИ!

Хўшёр ва эҳтиёткор бўлинг! Алоқа кабелларининг шикастланишиға йўл қўймаг!

“Ўзбектелеком” АК “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали

МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ КИЛУВЧИ БОҒЛАМАЛАР МАНЗИЛЛАРИ:

“Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали:	
Тошкент ш. А.Толстой кўчаси, 23 ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа	21-306, 21-121, 186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш. А.Ходжаев к-си, 29.	135-36-59
КУ-1 Тош. шаҳри. Буюк Ипак йўли, 264.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш. Чарикова, 172.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзил:	
Кўкон ш. Истиклол -58.	55-2-24-71
КУ-2 Беширлик т.марк. Сирдарё кўч., 9.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш. Нуробод масс. телефышка.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш. Чўлпон-9.	22-23-81
КУ-5 Янгийўргон т. маркази Чустий кўч.-1.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзил:	
Гулистон ш. Дўстлик кўрг.	27-16-20
КУ Сирдарё	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгийер	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзил:	
Булунғур ш. Самарқанд-18.	33-52-60
5-ШМАТБ манзил:	
Бухоро ш. Ғиждувон -69.	223-38-37
6-ШМАТБ манзил:	
Нукс ш. Ашхобод -1.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўртқўл ш.	532-30-60, 1-42 (ички)
КУ Беруний ш.	524-30-60, 1-38 (ички)
7-ШМАТБ манзил:	
Термиз ш. Гагарин-32.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзил:	
Қарши ш. Ҳуснобод-1.	221-02-41
ЛТЦ-15 Гузар ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзил:	
Урганч ш. Дусов-2.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзил:	
Навойи ш. Кармана-26.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57- 2-14-75

Ушбу телефонларға мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланишиға алоқа корхоналарига моддий зарар етказиш, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришиға олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастланган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарини тўлайдилар. Агарда қандайдир ер қазих ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашға уринманг. Бунга фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисига кўрсатилган.

Биз чекиб, "ором" оладиганимиз – сигарета ривожланган мамлакатлар фуқароларининг анчагина фоизи ўлимга сабаб бўларкан. Мутахассисларнинг аниқлашча, чекиш 30 турдаги касалликларни келтириб чиқаради. Илмий изланишлар тахлилига кўра, ўсмирлик даврида чекишга ружу қўйиб, 20 йил бу иллатнинг "кул"и бўлганлар 25 йил аввал ҳаёт билан видолашади. Ҳозир ер юзида ҳар 6,5 секундда тамаки дастидан бир кишининг ўлими кузатилмоқда.



Ким кўп чекади?

Давлатлар	Эркак	Аёл
Россия	63	9
Хитой	61	7
Дания	38,6	38
Греция	53	23
Италия	32	17
Австралия	31	18
Финляндия	27	20

Чекиш, айниқса, ҳомилдор аёллар ва уларнинг зурриётлари учун ўта хавфли ҳисобланади. Тамаки тутатиб "хузор" топаётган аёллар юрагининг бир бўлаги бўлиши фарзандларидан айрилиши чекмайдиганларга нисбатан 2,7 фоиз юқори эканлиги ҳам сўзимизнинг исботидир.

Маълумки, 1953 йилда чекиш рақ касаллигини келтириб чиқариши оммага эълон қилинган. Аммо бундан ҳеч ким қўрқмади, сергак ҳам тортмади. Ҳозир ҳам тамаки қони зарар эканлигини билсак-да, чекишдан тўхтаганимиз йўқ. Аксинча, "хумор" тутганда, ажал уруғини

Умр заволаңи пулга бламизми?

Сўнгги чақамизга бўлса-да, сотиб оламиз. Афсуски, бу иллатдан қутулиш осон эмас. Мутахассисларнинг айтишича, 3 фоиз кашандагина чекишни бирорнинг кўмагисиз ташлаш имкониятига эга экан. Бу борада тиббиёт ходимлари ёрдами билан кечувчиларнинг 20-40 фоизи тамаки куллитидан озод бўладилар.

Одамлар пул учун нималарни ўйлаб топмайдилар, дейсиз. Ҳозир Швецияда тамаки-сакчилар сотуви, экспортни авжига. Бундай тамаки-сакчилар ўзининг тутун чикармаслиги ҳусуси билан экологик жиҳатдан "тоза" эмиш.

Яқинда дунё олимлари энг кўп чекувчи одамлар яшайдиган давлатларни аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказишди. Бу борада Греция, Россия, Хитой, Дания мамлакатлари аҳолисига ҳеч ким тенг келолмас экан.

Хўш, бизда чекувчилар қанчалик? Тамаки "кул"лигига қарши кураш қай аҳволда? Ушбу саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилганимизда, ватанимизда сигарета савдоси кўплаб мамлакатларга нисбатан одам боши ҳисобига анчагина кам эканлигига амин бўлдик. Бу қувонарли ҳол, албатта. Аммо фуқароларимиз ўртасида сигарета ўрнини "босувчи" нос чекиш одати кенг тарқалганлигини тан олмай иложимиз йўқ.

Кўппа-кундуз кўни ҳам чирок ёкиб, нос ишлаб чиқарувчи завод ёки бирор кичик цехни топиб бўмайди. Лекин шунга қарамай, бозорларимиз расталаридан турли жилдаги нос "маҳсулот"ларини истаганча топиш мумкин. Бундан шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, нос фақатгина уй шaroитида тайёрланади. Уларнинг сифати, таркиби нософурушнинг таъбиго қараб белгиланади. Демак, бу оғу сифатига ҳеч ким қафолат беролмайди.

Мен бир нософурушни биламан. Йилга тонналаб "оғу" тайёрлайди, жаражарак пулга сотади. Аммо у на даромадидан давлатга солиқ тўлайди ва на маҳсулоти истеъмолга яроқли эканлигини тасдиқловчи идоралар эшигини қоқайди. Бошқа нософурушлар ҳам ана шундай "хўш"қа эга. Назаримда, улардан бундай ҳуқуқни тортиб олиш пайти келди.

Зукко муштарий дастлаб сигарета ҳақида гапириб, кейин нос ҳусусида сўз юритганимизни пайкаб олгани тайин. Балки улар муаллиф мавзудан бир оз четлашди, ҳам дерлар. Аслида нос ҳам, сигарет ҳам тамаки маҳсулоти ҳисобланади, иккиси ҳам бир-биридан ёмон, бир-биридан заҳарли. Шундай экан, чекиш – ҳоҳ у нос бўлсин, ҳоҳ папирос, инсон умрининг заволидир. Хар сафар қафимизга бир отим нос ташлаганимизда ёки бармоғимиз билан сигарета тутганимизда, ана шу нарсани унутмайлик. Балки бу усул чекишни ташлашимизга ёрдам берад? Сиз бунга нима дейсиз?

Фахриддин КАЛОНОВ

Ҳаммага маълумки, ананас ширин ва хушбўйлиги билан маъхур. Бунга унинг яна бошқа фазилати ҳам қўшилди. Зеро, унинг баргидан жуда пишиқ ва тўрт мартаба ингичка бўлган тола олиш мумкин экан.

Ананас баргидан тола



Япониянинг "Канэбо" фирмаси ананас баргидан олинган толадан мато яратиш технологиясини ишлаб чиқди. Бунинг учун ананас барги махсус мойга ботириб олинади. Фирманинг ананасдан тайёрлайдиган янги бу кўркам маҳсулоти тағига президентнинг шахсан ўзи "Бу толадан тайёрланган мато ҳамма машҳур матолардан ҳам юпқа ва жуда пишиқ", деб ёзган. Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Инсон ҳаёти ҳар нарсадан азиз



Хивалик

қирқ етти ёшли Улуғнор Жуманиёв бир пайтлар ота-онасининг энг сеvimли фарзандларидан бири эди. Ўзлари емай-ичмас ҳам унга қарашди: устини бут қилиб, истаганини олиб беришди. Эҳтимол, унинг ёмон йўллarga қириб қолишида саховатларнинг ҳаддан зиёд кўплиги ҳам сабаб бўлгандир. Амалтақал қилиб мактабни тугатгач, ўзгарди-қолди. Тенгдошлари ҳаётда ўз ўрнини топишга, касб-хўна тартибга, яхши инсонлардек яшашга интилишди. Бироқ Улуғнор эса...

"Фаолият"ини ичликка ружу қўйишдан бошлади. Дастлаб бозорларда, сўнг жамоатчилик орасида содда кишининг "Хожатингизни чиқариб бераман", дея Алининг тўнини Валига қийғизиб, кўпчиликини ҳув туширди. Харом йўллар билан топангани айш-ишрат ва арокхўрликка сарфлади. "Кўр-кўрни қоронғида толгани" сингари у ҳам ўзини қўйиш бекорчили билан қўлларни ана шу алфозда "майшат"да ўтказарди.

Оила курси балки яхши бўлиб кетар, деган умидда уни яқин қариндошларининг қизига уйлантириб қўйишди.

Вакт кутиб турмас экан. Бирин-кетин турт нафар фарзанд туғилди.

Бахтга қарши Улуғнор ўзгармади. Ишлашга бўйин эгмас, кўчаларда сандироқлаб, турмуш ўртоғининг топанни ва болалар нафақасини тортиб олиб, хар кун ичкиликка бўқарди. Тадбиркорлардан бири уни ўзга юртларга ишлаш учун олиб кетганида ҳам ишончини оқламай, яна Хивага қараб шата-лок отади.

Фарзандлар аста-секин улғайиб, ёрман-кярман бўлиб қолган. Хотинининг ишлаб топанни урвоқ ҳам бўлмасди. Рафикаси уни бир неча бор тартибга қақириб қўрди. Фойда чиқмагач, амалдаги қонунлар бўйича ўртадаги никоҳ бекор қилинади. Сўқсурдай турт нафар фарзандлари кўз ўнгидан улғайётган бир пайтда оиланинг парокандаликка юз тутгани аслида Улуғнор учун сабоқ бўлиш лозим эди. Лекин у кекса ота-онасиникида улар нафақасига шерик бўлиб тентираб, ичиб юрарди. Ичкилик туфайли уларни ҳам хонавайрон қилди.

Бир томондан қизининг

бўйи етиб қолган. Остона хатлаб совчилар эшик қўқшарди. "Отаси қани", деб сўрасалар қандай жавоб қилиш керак. Хотини шулар ҳақида мулоҳаза юритиб, уни яна кечирди, фарзандлари бағрига қайтарди ва уйининг тўридан жой берди.

Захирқотилга мук-касида кетган инсон хонадониди қотиллик жинояти содир этилгунга қадар шу оилада бўлиб ўтган воқеаларнинг айримларига тўхталдик, ҳолос. Аслида риёкорлик, ичкилик оқибатида фарзанд ва оиласига шафқатсизларча муносабат, одамларни ҳув тушириш ва фоҳишабозлик каби жирканч иллатлар

ганди. Совуқ хонада бир бурдан нонга зор дийдираб ўтирган фарзандлари кўзига "балло"дай кўринди шу онда. Яна хар доимги одат: хонадонда жанжал, ур-сур. Онанининг чинқирғиғи ба гал Алишер Жуманиёвнинг чидаб туролмасди.

Устма-уст бошига тушган калтақдан Улуғнор ҳушини йўқотди. Бу кўргилиқлардан она-боланинг бўлари-бўлган. Кўзига ҳеч нарсаси кўринмасди. Елкаси оша сирғилиб тушган рўмоли асқотди. Сўнг уни шу билан бўғиб, тавбасига таян-тирмоқчи бўлишди. Аммо Улуғнор жон таслим қилганди.

Изни қандай йўқотиш керак? Улар фирқиллашиб, отасининг жасадини мактаб ертўласига олиб бориб ташлашадилар...

Суд эли. Ҳукм ўқилмоқда:

бўлган рўзғор

Улуғнор фаолиятида жуда кўп.

Кўлимизда Улуғнорнинг сўнгги ишларида дахлдор суд ҳукми. У билан танишиб чиққан киши инсон боласининг бунчалар тубаникка юз тутишига ишонгани келмайди.

Утган йил январининг қирчиллама совуқ тунларидан бири эди. Қуни билан ҳалол ишлаб, меҳнатдан толиққан кишилар бундай пайтда ором олади. Аммо шу тун Хива шаҳрининг Бинокор маҳалласидаги 12-хонадонда яшовчи Жуманиёвнинг қизлари чироклар ўчмади. Ароқнинг таъсиридан сархуш Улуғнор "Қаердан бўлса ҳам ичкиликка пул топиб берасанлар", дея гоҳ фарзандларини, гоҳ хотинини аёвсиз урарди. Но-нуштада ҳам шу мижоро такрорланади.

Сингилм "Ун олиб туринлар", дея беш минг сўм бериб кетганди. Шунинг ҳам ичи бўйсиз, қўнимиз нима кечади, – Улуғнорга юзланди хотини.

Бўпти, пулни бер, дўқондан ун олиб чиқаман. Тарки одат амри маҳол. Унинг пули ароққа сарфлан-

қора курсида ўтирган она-болани одамлар ким, деб айтишни ҳам билмай уларга боқишади.

Мақолага шу жойда нуқта қўйиш мумкин эди. Бироқ Ҳадиси шарифда "Бир кишини ҳалокатдан сақлаб қолиш жамиятини асраб қолиш билан баробардир", деб таъкидланади. Гап шундаки, У.Жуманиёв ҳам ичучи, дангас ва бебурд бўлиб туғилмаганди. Унинг шу йўлга қиришида яқинлари, қолаверса, маҳалла-қўйи, ошна-оғайни ва жамоатчиликнинг ҳам айби йўқми? Ахир оилада жиноятчиликка ундовчи эшиқлар йиллар давомида ланг очилиб ётса-да, маҳалла фаоллари, ҳеч бўлмаса қўни-қўшни нега бонг урмади экан-а! Ваҳоланки, ана шулар кунда бўлмаса, қунора шу хонадондаги ҳуқуқ воқеалардан хабардор эдилар. Оқибатда, битта рўзғор титилиб кетди.

Азимбой ҚУРБОННИЁЗОВ, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг судяси, Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, журналист.

СПОРТ

Олимпиадачилардан умид катта

2008 йилда Хитой пойтахти Пекин шаҳрида катта мусобақа, яъни Олимпиада ўйинлари ўтказилади. Маъмур спорт байрамидининг футбол учрашувариди иштирок этиш ҳар бир жамоанинг орзуи десак муболага бўлмайди.



Бу йўлда Вадим Абрамов бошчилигидаги олимпиада терма жамоамиз ҳам 3-саралаш босқинида ўз юришларини давом эттирмоқдалар. Хал қилувчи босқинда ижобий натижани кўзлаган вакилларимиз Германияда тайёргарлик ишларини олиб боришляпти. Икки ҳафта мобайнида ўтказиладиган машғулотларда футболчилар бешта ўртоқлик учрашувида майдонга чиқишади.

Ҳозиргача бу ўйинларнинг иккитаси бўлиб ўтди. Дастлаб Германия иккинчи дивизионда катнашадиган "Боннер" жамоаси олимпиадачиларимизга рақиб бўлди. Қизикарли бахс 3:2 ҳисобида меъзорлар фойдасига ҳал бўлди. Садриддин Абдуллаев ва Одил Аҳмедов томонидан киритилган голларга "Боннер" футболчилар учта тўп билан жавоб қайтаришди. Иккинчи учрашувада "Зиген" жамоасига қарши тўп сурган юртдошларимиз рақиб дарвозасига олтига гол йўллашга муваффақ бўлишди. Олимпиада терма жамоамиз посбони эса рақиблардан битта гол қабул қилиб олди. Ўйиннинг эътиборга молик жиҳати, барча голлар ҳужумчилар номига ёзилди. Шавкат Саломов ва Фарход Тожиев баҳсда "дубл"га эришган бўлсалар, Шаҳбоз Эркинов ва Камолитдин Мурзоев биттадан голга муаллифлик қилишди. Ҳисоб – 6:1.

Эслатиб ўтамиз, саралаш ўйинлари август ойида старт олади.

Терма жамоамиз ФИФА рейтингда юқориламоқда

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) терма жамоаларнинг 2007 йил июль ойи учун рейтингини маълум қилди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси ўтган ойдаги натижасидан 4 ўрин юқорилаган ҳолда 54-погонани банд этиб турибди.

Терма жамоамиз ФИФА рейтингига кўра, Осиёда 4-рақамда қайд этилган бўлса, МДХ давлатлари орасида учинчи терма жамоа бўлиб турибди. Қитъамизда Рауф Иниев шогирдларини Япония (36), Эрон (46) ва Австралия (49) терма жамоалари орта қолдирган бўлса, МДХда фақат Украина (17) ва Россия (23) вакиллари асосий жамоамиздан ўтиб кетишган.

Рейтингнинг юқори қисмида эса катта ўзгаришлар кузатилди. Жаҳон Чемпионатидан бери ФИФА таснифини бошқариб келган Италия ўрнини Бразилия эгаллади, ундан кейин Аргентина, учинчи ўринда амалдаги жаҳон чемпионлари жойлашган бўлса, Франция терма жамоаси тўртинчи ўринда бормоқда.

Агар терма жамоамиз Осиё Кубоги баҳсларида мазмунли ўйин кўрсатиб, совринли ўринлардан бирини кўлга киритса, ўз-ўзидан янада юқори рақамларга кўтарилади.

Боксчиларимизнинг навбатдаги ютуғи

Украинанинг Мариупол шаҳрида бокс бўйича анъанавий халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Хар йили ташкиллаштириладиган маъмур бокс турнирида кўплаб давлатлардан келган чарм кўлоқ усталари рингда беллашадилар.

Муштақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Исроил, Ирландия, Туркия ҳамда Филиппин сингари боксчилар қатори юртимиз спортчилари ҳам ўзларини нималарга қодир эканлиги кўрсата олишди. Тўлашбой Дониёров ва Дилшод Маҳмудов барча рақибларини енгиб, олтин медал соҳиби бўлишди.

Финалда рақибларига енгилган Абдуғафур Умаров, Баҳодир Мамажонов ва Шерзод Абдурахмонов қумуш медал билан чекланишди, Олимпикон Назаров учинчи ўринни кўлга киритди. Спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди.

Яқинда Филиппин пойтахти Манила шаҳрида юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати якунланди. Курашнинг бу тури Осиёда ўз ўрнига эга. Айниқса, Эрон, Жанубий Корея ва Хитой каби мамлакатлар курашчилари турли мусобақаларда ижобий натижалар қайд этиб келишади.

Бронза ҳам чакки эмас

Шундай бўлса-да, мамлакатимиз номидан кураш гиламига чиққан юртдошларимиз совринли ўринлардан бирини кўлга киритишди. Элдор Хафизов, Жаҳонгир Мўминов ва Суҳбат Ҳожиёв ўз вазн тоифаларида учинчи бўлишиб, бронза медал билан тақдирландилар.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Автотранспорт – кредит ва лизингга!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМий ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM.uz

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндикли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усудда!

Махсулотлар сертификатланган

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-31105"

"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сиғимли сут таниш машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

Бош муҳаррир Чор Латипов	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Уктам БАРОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНОВ (Маъсул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-09-93.	ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-224-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-765-42.	Реклама ва эълонлар матни учун бўюртмачи жавобгар ① - тижорат мақола	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
--	---	--	--	---	--	--

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба ("Хайт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-617, ҳажми 2 босма табак.

Офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.00 Адади - 13752

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.